XALQ DEPUTATLARI BUXORO VILOYATI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 30 - dekabr VI-72-158-2-0-K/22 Buxoro viloyati hokimligi

2023 йил учун Бухоро вилоятининг маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддаси, “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни, Бюджет кодексининг 99-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 29 декабрдаги 01/20-32/1017-сон хатига мувофиқ, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Бухоро вилояти маҳаллий бюджетининг 2023 йил учун даромадлари 3817,2 млрд.сўм, харажатлари 4463,1 млрд.сўм прогноз қилинганлиги ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 645,9 млрд.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2023 йил учун Бухоро вилоятини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ҳамда 2024-2025 йилларга мақсадли мўлжаллари 1-иловага мувофиқ, 2023 йил учун вилоят маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2023 йил учун вилоятнинг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2023 йил учун туманлар ва шаҳарлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда ажратмалар нормативлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда Бухоро вилояти бўйича ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. 2023 йил учун туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва

харажатларининг прогнози 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2023 йил учун вилоят бюджетидан туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъи назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. 2023 йил учун вилоят маҳаллий бюджетининг вилоят бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 17,6 млрд. сўм миқдорида белгилансин.

9. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг 2023 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилсин.

10. Вилоят бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг ижро этишда юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг прогнозидан ошган қисми учун тегишли бюджетларининг захира жамғармалар миқдорларига аниқлаштириш киритилмаслиги инобатга олинсин.

11. 2023 йил учун вилоятнинг вилоят, шаҳарлар ва туманлар бюджетлари шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 7-иловага мувофиқ белгилансин.

12. 2023 йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) туманлар ва шаҳарлар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2022 йил 1 июль ҳолатига кўра туманлар ва шаҳарлар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинсин.

б) Бухоро вилоятининг вилоят бюджети даромадлари вилоят маҳаллий бюджетига тўлиқ

ҳажмда ўтказилади:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

хусусийлаштиришдан тушган тушумлар ва бошқа солиқлар.

в) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи вилоят бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида тақсимланади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-409-сон қарорига асосан 2023 молия йилидан бошлаб:

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида молиялаштириладиган тадбирлар жамоатчилик фикри асосида “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали овоз бериш йўли билан аниқланиши;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетида шаклланган қўшимча маблағларнинг 30 фоизи туман (шаҳар)ларда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун туман (шаҳар)лар Фуқаролар ташаббуси жамғармаларига мавжуд аҳоли сони ва маҳаллалар сонидан келиб чиқиб, тенг улушларда йўналтирилиши;

ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари учун туман (шаҳар) бюджетларининг 5 фоизи миқдорида, бироқ камида 6 миллиард сўм маблағ режалаштирилиши белгиланганлиги;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини жамоатчилик фикри асосида ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари орқали амалга оширилишининг янги тартиби ишлаб чиқилиши маълумот учун қабул қилинсин.

14. Вилоят ҳокимининг молия - иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари котибияти, вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармаси (Б.Адилов), Давлат солиқ бошқармаси (М.Маматханов) туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ва масъул бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган

ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджет прогноз кўрсаткичларини ўз вақтида ва самарали бажариш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

15. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (М.Маматханов) туманлар ва шаҳарлар давлат солиқ инспекциялари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг ҳисоботларда тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш;

Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Я.Ҳабибов) билан биргаликда
вилоятда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин.

16. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (М.Маматханов), Кон-геология фаолиятини назорат қилиш минтақавий инспекцияси ҳамда туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда:

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда уларни солиқ базасига қамраб олиш;

фаолият олиб бораётган карьерлар томонидан қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллар ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

17. Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси (О.Мардонов) вилоят давлат солиқ бошқармаси (М.Маматханов) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда ҳар чорак якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайтириб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўриб боришни таъминласин.

18. Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси (Ф.Норов) бўш турган объектларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг вилоят ҳудудий бошқармаси билан биргаликда:

бўш турган давлат мулки объектларини аниқлаш бўйича хатлов ишларини самарали ташкил этиш;

хатлов натижаларига кўра вилоятда мавжуд бўш турган давлат мулки объектлари рўйхатини шакллантириш;

шакллантирилган рўйхатга асосан бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш;

бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида роликлар ва видео-материаллар тайёрлаш;

хусусийлаштирилиши мўлжалланган бўш турган давлат мулки объектларини «e-ijro auksion» майдончаси орқали сотиш ишларини ташкиллаштирсин.

19. Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси (Ф.Норов), вилоят давлат солиқ бошқармаси (М.Маматханов), вилоят молия бош бошқармаси (Б.Адилов) давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2023 йилнинг 1 июлига қадар 2022 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдоридаги ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендларни 2023 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилишини таъминласин.

20. Вилоят ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Э.Файзиллаев), вилоят давлат солиқ бошқармаси (М.Маматханов) туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда вилоятда суғоришга сарфланаётган сув ҳажмлари бўйича аниқ ҳисоб-китоблар юритган ҳолда мазкур истеъмол ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлиқ ҳисобланишини ҳамда молия йили якунига қадар маҳаллий бюджетларга тўлиқ ундириб олиш чораларини кўрсин.

21. Вилоят ички ишлар бошқармаси (Ш.Алиев), вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (А.Ахмедов), мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси (О.Мардонов) ҳисобланган бож, жарима ва йиғимларни ўз вақтида ўрнатилган тартибда бюджетга ундириш чораларини кўриб борсин.

22. Давлат молиявий назорати вилоят бошқармаси (Я.Чўлиев) халқ таълими (Ф.Қурбонов), мактабгача таълим (Р.Бахронов) ва соғлиқни сақлаш (А.Бахронов) бошқармаларининг ички аудит хизматлари билан биргаликда:

бюджет интизомига қатъий риоя этилиши устидан доимий мониторинг ишларини кучайтириш;

ўтказилган назорат тадбирлари якуни бўйича камомад ва ноқонуний ўзлаштиришга йўл қўйган масъулларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда чора кўрилишини таъминласин.

23. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясига:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этиладиган таклифларни белгиланган муддатларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш ва бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатиш, тавсиялар бериш;

маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этиш ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш вазифаси топширилсин.

24. Вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларига:

туманлар ва шаҳарлар бюджетлари жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтириш;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий тартибда тегишли ҳокимлик расмий веб-сайтларига жойлаштириб бориш топширилсин.

25. Вилоят бошқарма ва ташкилотлари ҳамда туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши, солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ҳамда ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига доимий равишда ҳисобот киритиб борсин.

26. Мазкур қарор “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

27. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

28. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича доимий комиссияси (М.Ҳомидов) зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси **Б. Зарипов**

Xalq deputatlari Buxoro viloyat
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-72-158-2-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

Бухоро вилоятининг 2023 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз кўрсаткичлари ҳамда 2024-2025 йилга мўлжаллари

№	Кўрсаткичлар	2023 йил учун прогноз	Мўлжал	
			2024 йил	2025 йил
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	55 409,9	63 779,0	73 690,2
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	105,4	105,6	106,0
3.	Истъемол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	110,1	110,0	109,9
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	106,5	106,6	106,6
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	103,5	103,7	103,9
6.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	110,7	111,4	114,3

Xalq deputatlari Buxoro viloyat
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-72-158-2-0-K/22-son qaroriga
2-ilova

Бухоро вилоят маҳаллий бюджети даромадларининг
2023 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

млн.сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	633 915,0
2	Айланмадан олинадиган солиқ	0,0
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	1 065 281,6
4	Қўшилган қиймат солиғи	0,0
5	Акциз солиғи, жами	253 765,0
	шу жумладан:	0,0
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*253 765,0*
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	198 534,3
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	0,0
8	Юридик шахслар ер солиғи	216 572,0
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	0,0
10	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	0,0
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,0
12	Давлат божи	138 389,0
13	Жарималар	93 823,0
14	Ижара тўлови	0,0
15	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	1 947,0
16	Йиғимлар	62 967,0
17	Хусусийлаштириш	25 000,0
18	Бошқалар	0,0
	ЖАМИ	**2 690 193,9**
19	Тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар	645 894,0
	ҲАММАСИ	**3 336 087,9**

Xalq deputatlari Buxoro viloyat
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-72-158-2-0-K/22-son qaroriga
3-ilova

2023 йил учун Бухоро вилояти бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари

млн.сўмда

№	Кўрсаткичлар	Миқдори
Харажатлар миқдори, Жами		**3 336 087,9**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 838 484,9
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	162 710,4
	Адвокатлик хизматига ҳақ тўлаш учун ажратилган маблағлар	2 100,0
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	1 332 792,6
1.	**Вилоят мактабгача таълим бошқармаси**	**38 984,7**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 783,8
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	35 200,9
2.	**Вилоят халқ таълими бошқармаси**	**189 182,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	114 198,4
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	74 983,6
3.	**Вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси**	**1 129,3**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 129,3
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4.	**Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**625 239,1**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	586 550,7
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	38 688,4
5.	**Вилоят маданият бошқармаси**	**32 371,6**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	32 371,6
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6.	**Вилоят спортни ривожлантириш бошқармаси**	**102 232,5**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	102 232,5

	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7.	**Вилоят тиббий-ижтимоий хизматлар бошқармаси**	**80 391,9**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	80 391,9
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8.	**Вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси**	**60 949,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	60 949,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9.	**Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси**	**2 541,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 541,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10.	**Ўсимликлар карантини вилоят ҳудудий инспекцияси**	**11 456,6**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	11 456,6
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11.	**Вилоят ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси**	**243 515,3**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	234 815,3
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	8 700,0
12.	**Вилоят транспорт бошқармаси**	**2 910,1**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 910,1
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13.	**Вилоят экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармаси**	**8 212,8**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 212,8
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14.	**Вилоят молия бош бошқармаси**	**1 405 859,8**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 232,5
	Чет эл кредитларини қайтариш харажатлари	15 734,8
	Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш харажатлари	10 000,0
	Адвокатлик хизматига ҳақ тўлаш учун ажратилган маблағлар	2 100,0
	Президент таълим муассасалари мукаммал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жихозлаш учун жалб этилган қарз маблағларини қайтариш харажатлари	40 000,0

	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	1 332 792,6
15.	**Вилоят ғазначилик бошқармаси**	**10 597,8**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	10 597,8
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16.	**Пенсия жамғармасининг вилоят ҳудудий бошқармаси**	**17 156,3**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	17 156,3
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
17.	**Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш вилоят бошқармаси**	**231,9**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	231,9
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
18.	**Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	0,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
19.	**Вилоят туризмни ривожлантириш департаменти**	**13 425,1**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	13 425,1
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
20.	**Вилоят ўрмон хўжалик бошқармаси**	**25 963,9**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	25 963,9
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	
21.	**Вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси**	**6 048,6**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 048,6
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
22.	**Вилоят монополияга қарши курашиш бошқармаси**	**1 964,4**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 964,4
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
23.	**Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳудудий бошқармаси**	**2 277,3**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 277,3
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
24.	**Вилоят бандлик ва меҳнат муносабатлари бош бошқармаси**	**1 727,9**
	шу жумладан:	

	жорий харажатлар	1 727,9
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
25.	**Вилоят қурилиш бошқармаси**	**2 535,9**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 535,9
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
26.	**Вилоят инвеститциялар ва ташқи савдо бошқармаси**	**9 829,4**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	9 829,4
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
27.	**Вилоят адлия бошқармаси**	**8 498,7**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 498,7
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
28.	**Вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағаликни қисқартириш бошқармаси**	**15 387,1**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	15 387,1
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
29.	**Вилоят ҳокимлиги**	**287 853,4**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	287 853,4
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
30.	**Вилоят архив иши бошқармаси**	**4 941,4**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 941,4
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
31.	**Вилоят махалла ва оилаларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси**	**1 373,3**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 373,3
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
32.	**Вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси**	**3 403,8**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 403,8
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
33.	**Ёшлар ишлари агентлиги Бухоро вилоят бошкармаси**	**2 568,7**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 568,7

	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
34.	**Халқ қабулхонаси (қабуллар уйи)**	**10 018,5**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	10 018,5
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
35.	**Халқ депутатлари вилоят Кенгаш котибияти**	**4 209,9**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 209,9
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
36.	**Марказий сайлов комиссияси**	**77,8**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	77,8
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
37.	**Республика маънавият ва маърифат маркази Бухоро вилоят бўлими**	**2 456,1**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 456,1
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
38.	**Кинематография агентлиги Бухоро вилояти бўлими**	**466,1**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	466,1
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
39.	**Бухоро вилояти хотин-қизлар бошқармаси**	**1 637,8**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 637,8
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
40.	**Президент таълим муассасалари агентлиги**	**75 017,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	75 017,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
41.	**Бошқа харажатлар**	**21 444,3**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	16 306,8
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	5 137,5

Xalq deputatlari Buxoro viloyat Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-72-158-2-0-K/22-son qaroriga
4-ilova

Умумдавлат солиқларидан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига 2023 йилдаги ажратмалари меъёрлари

фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Айланмадан олинадиган солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи**	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ*	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахслар ер солиғи*	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи
1	Бухоро шаҳри	0	100	8	100	0	20	100	50	100
2	Когон шаҳри	0	100	30	100	0	0	100	50	100
3	Олот тумани	0	100	25	100	0	50	100	50	100
4	Бухоро тумани	0	100	25	100	0	50	100	50	100
5	Вобкент тумани	0	100	25	100	0	50	100	50	100
6	Ғиждувон тумани	0	100	25	100	0	50	100	50	100
7	Когон тумани	0	100	25	100	0	0	100	50	100
8	Қоракўл тумани	0	100	25	100	0	50	100	50	100
9	Қоровулбозор тумани	0	100	30	100	0	100	100	50	100
10	Пешку тумани	0	100	25	100	0	50	100	50	100
11	Ромитан тумани	0	100	25	100	0	0	100	50	100
12	Жондор тумани	0	100	25	100	0	50	100	50	100
13	Шофиркон тумани	0	100	25	100	0	50	100	50	100

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Ер қаъридан фойдаланган-лик учун солиқ (норуда материаллари)	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Давлат божлари	Жарималар	Йиғимлар	Давлат ташкилотлари фойда солиғи***	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	Хусусийлаш-тириш	Бошқалар****
1	Бухоро шаҳри	100	100	0	0	0	0	100	0	0
2	Когон шаҳри	100	100	0	0	0	0	100	0	0
3	Олот тумани	100	100	0	0	0	0	100	0	0
4	Бухоро тумани	100	100	0	0	0	0	100	0	0
5	Вобкент тумани	100	100	0	0	0	0	100	0	0
6	Ғиждувон тумани	100	100	0	0	0	0	100	0	0
7	Когон тумани	100	100	0	0	0	0	100	0	0
8	Қоракўл тумани	100	100	0	0	0	0	100	0	0
9	Қоровулбозор тумани	100	100	0	0	0	0	100	0	0
10	Пешку тумани	100	100	0	0	0	0	100	0	0
11	Ромитан тумани	100	100	0	0	0	0	100	0	0
12	Жондор тумани	100	100	0	0	0	0	100	0	0
13	Шофиркон тумани	100	100	0	0	0	0	100	0	0

Изох::* *йирик солиқ тўловчилардан тушган тушумлар тўлиқ вилоят бюджетига йўналтирилади.*

** *Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича 3111104, 3111106, 3111300, 3111600, 3111800 даромад кодларига тушадиган маблағлар тўлиқ туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига йўналтирилади.*

*** *Давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан давлат бюджетига ажратмалар бўйича 3412110, 3412112 даромад кодларига тушадиган маблағлар тўлиқ вилоят бюджети даромадларига йўналтирилади.*

**** *Ҳукумат қарорлари билан белгиланган нормативларга асосан тақсимланади.*

Xalq deputatlari Buxoro viloyat
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-72-158-2-0-K/22-son qaroriga
5-ilova

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг
2023 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

млн.сўмда

Бюджетлар номи	**Даромад ***	**Харажат**
ЖАМИ	**1 127 002,9**	**2 459 795,5**
Бухоро шаҳри	206 168,6	290 442,1
Когон шаҳри	52 991,7	91 435,1
Олот тумани	50 305,9	156 893,4
Бухоро тумани	90 553,9	170 686,9
Вобкент тумани	69 967,0	168 250,8
Ғиждувон тумани	147 415,5	325 459,8
Когон тумани	62 619,6	104 783,2
Қоракўл тумани	86 099,5	231 700,2
Қоровулбозор тумани	35 595,3	78 688,6
Пешку тумани	68 131,9	194 832,2
Ромитан тумани	87 444,1	205 649,7
Жондор тумани	82 193,9	208 017,3
Шофиркон тумани	87 516,0	232 956,5

** мобил алоқа хизматлари, тамаки учун акциз солиғи ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар бўйича ўтказиб бериладиган даромадлар билан биргаликда.*

Xalq deputatlari Buxoro viloyat
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-72-158-2-0-K/22-son qaroriga
6-ilova

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2023 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

млн.сўмда

Шаҳар ва туманлар	**Тартибга солувчи трансферт миқдори**
ЖАМИ	**1 332 792,6**
шундан	
Бухоро шаҳри	84 273,5
Когон шаҳри	38 443,5
Олот тумани	106 587,5
Бухоро тумани	80 132,9
Вобкент тумани	98 283,8
Ғиждувон тумани	178 044,3
Когон тумани	42 163,5
Қоракўл тумани	145 600,6
Қоровулбозор тумани	43 093,3
Пешку тумани	126 700,3
Ромитан тумани	118 205,5
Жондор тумани	125 823,4
Шофиркон тумани	145 440,5

Xalq deputatlari Buxoro viloyat
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-72-158-2-0-K/22-son qaroriga
7-ilova

Вилоят, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларида
2023 йилда йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

млн.сўмда

Т/рҲудуд номи	**Миқдор**
ЖАМИ	**24 828,0**
шундан	
1 Вилоят бюджети	9 384,0
2 Бухоро шаҳри	2 035,0
3 Когон шаҳри	707,0
4 Олот тумани	929,0
5 Бухоро тумани	1 052,0
6 Вобкент тумани	1 039,0
7 Ғиждувон тумани	2 035,0
8 Когон тумани	714,0
9 Қоракўл тумани	1 337,0
10 Қоровулбозор тумани	598,0
11 Пешку тумани	1 028,0
12 Ромитан тумани	1 298,0
13 Жондор тумани	1 292,0
14 Шофиркон тумани	1 380,0